



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UCHQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 24 - noyabr

404-6-87-Q/21

Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг совиб кетаётганлиги, 2021/2022 йиллар қуз-қиш мавсумида туман иқтисодиёти тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини бир меъёрда ишлашини таъминлаш, қуз-қиш мавсуми давомида табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва иссиқлик таъминотидаги узилишлар билан боғлиқ авария ва бошқа фавқулодда ҳолатларни бартараф этишда жалб этиладиган куч ва воситаларни марказлашган ҳолда бошқариб, назорат қилиш ҳамда ўз вақтида тегишли чораларини кўриш мақсадида:

1. Туман ҳудудида ижтимоий соҳа объектлари ҳамда турар-жой биноларини иситиш мавсуми 2021 йилнинг 1 ноябрь кунидан бошланиши белгилансин.

2. “Ҳудудгаз Наманган” Учқўрғон туман бўлими (Ж.Махмудов), “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Учқўрғон туман бўлими (Б.Болтабоев), “Наманган сув таъминоти” МЧЖ Учқўрғон туман бўлими (Қ.Қурбоналиев)

Туман ҳокимлиги, ижтимоий соҳа муассасалари ва коммунал соҳа корхоналарида 2021 йил 1 ноябрь кунидан бошлаб кечаю-кундуз ишловчи штабларни ва тезкор авария тиклаш хизматларини ташкил қилиш ҳамда уларни махсус техника ва жиҳозлар билан таъминлаш;

ижтимоий соҳа объектларига ва аҳоли яшаш уй-жойларига, “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш ДУК тизимидаги иситиш қозонхоналарига узлуксиз ҳамда бир меъёрда табиий газ, сув ва электр энергияси қуввати етказиб бериш;

табиий газ етиб бормайдиган аҳоли пунктларини суюлтирилган газ

билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Туман иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият олиб борувчи туман Ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ;

4. “Кўмир таъминот” МЧЖ Наманган вилоят Учқўрғон туман бўлими:

туман ҳокимлиги билан биргаликда аҳоли хонадонларига 2021 йил 1 декабрга қадар режадаги кўмир маҳсулотларини тўлиқ етказиб берилишини таъминласин.

куз-қиш мавсумида истеъмолчиларга сифатли табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини назорат қилсин;

энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланувчиларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминласин;

электр ва газ жиҳозларидан фойдаланиш хавфсизлигига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, “Худудгаз Наманган” туман газ таъминоти филиали, “Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Учқўрғон туман бўлими, “Наманган сув таъминоти” МЧЖ Учқўрғон туман бўлими ва “Кўмир таъминот” МЧЖ Учқўрғон туман бўлими ходимларидан иборат кечаю-кундуз ишловчи туман “Тезкор штаби” тузилсин.

6. Ўзбектелеком” АК Учқўрғон туман бўлими (А.Маллабоев)га “Тезкор штаб” фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, белгиланган тартибда қисқа рақам ажратилишини ва алоқа тармоғини узлуксиз ишлашини таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Туман “Тезкор штаби” ҳамда туман куз-қиш штаби 2021 йил 15 ноябрдан 2022 йил 15 мартга қадар туну-кун фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилсин.

8. Туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Н.Усмонов)га:

туман “Тезкор штаби” фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли ташкилотларнинг бириктирилган ходимлари фойдаланиши учун компьютер, телефон ва интернет алоқа воситалари, зарурий жиҳозлар, махсус авария-

тиклаш транспорт воситалари, авария гуруҳларини ажратилишини ва тузилган ушбу штаб қошида навбатчилик ташкил этилишини ҳамда самарали фаолият олиб боришини таъминлаш;

тезкор штаб фаолияти юзасидан кунлик ахборотларни туман ҳокимлигига тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

9. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (Р.Мадрахимов), туман “Ёрқин ҳаёт” газетаси “Тезкор штаби” фаолияти тўғрисида аҳолига етказиш ва тарғиб этиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали эълон ва роликлар ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Собитхўжаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Вахобов

Учқўрғон туман ҳокимининг
2021 йил 24 ноябрдаги
404-6-87-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Туман иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп
квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида
барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича доимий
фаолият олиб борувчи туман**

ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ

1. С.Собитхўжаев
Туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуниакациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, **ишчи гуруҳи раҳбари**
2. Н.Усмонов
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи, **ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари**
3. Б.Холмирзаев
Туман молия бўлими бошлиғи
4. А.Хамраев
Туман фавқулотда вазиятлар бўлими бошлиғи
5. Э.Каримов
Туман Қурилиш бўлими бошлиғи
6. Р.Ибрагимова
Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи
7. Б.Зайниев
Туман халқ таълими бўлими бошлиғи
8. Д.Эсанбаева
Туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи
9. Д.Комилов
Туман маданият бўлими бошлиғи
10. М.Мирахмедов
“Тўрақўрғон нефтбаза” унитар корхонаси Учқўрғон туман бўлими бошлиғи
11. Б.Болтабоев
“Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Учқўрғон туман бўлими бошлиғи
12. Ж.Махмудов
“Худудгаз Наманган” Учқўрғон туман бўлими бошлиғи
13. Қ.Қурбоналиев
- “Наманган сув таъминоти” МЧЖ Учқўрғон туман бўлими бошлиғи